

Тафтиш инстанциясида  
маърузачи судья Д.Разов  
№1-2301-2403/337

Биринчи инстанция судининг  
судьяси Р.Камалова

Апелляция инстанцияси судида  
маърузачи судья А.Аметов

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ  
БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ ТАФТИШ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ  
А Ж Р И М И

2025 йил 11 ноябрь

Нукус шаҳри

Қорақалпоғистон Республикаси судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати куйидаги таркибда,  
раислик қилувчи – ушбу суд судьяси Д.Разов,  
ҳайъат аъзолари – судьялар Х.Бердикличев ва А.Сафаров,  
судья катта ёрдамчиси Қ.Нурымбетовнинг котиблигида,  
Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим катта прокурори  
А.Ниязымбетов,

судланувчи Хxxxxxxxxxxxxхнинг ҳимоячи адвокати Б.Рахмановнинг иштирокида,

жиноят ишлари бўйича Беруний туман судининг судланувчи хxxxxxxxxxxxxга оид 2025 йил 17 февралдаги ҳукми ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2025 йил 7 июлдаги ажрими устидан судланувчи Хxxxxxxxxxxxxх томонидан келтирилган шикоят аризасига асосан жиноят ишини очиқ суд мажлисида, тафтиш тартибида кўриб чиқиб, куйидагиларни

а н и қ л а д и:

Суднинг ҳукми билан:

1977 йил 14 майда Беруний туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, ойлали, 2 нафар фарзанди бор, вақтинча ишсиз, илгари судланмаган, иш юзасидан 2024 йил 24 декабрь кунидан “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган хxxxxxxxxхда яшовчи Хxxxxxxxxxxxxхга

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 185<sup>2</sup>-моддаси 2-қисми билан сутканинг соат 22-00дан 06-00гача яшаш жойи, яъни Беруний тумани, “Дўстлик” МФЙ А-380 гузори 53-уйдан чиқишни чеклаган ҳолда 6 ой муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланган. хxxxxxxxxхга жазони ўташ даврида куйидаги кўшимча чеклашлар; ички ишлар органининг розилигисиз яшаш жойини ўзгартирмаслик ва Қорақалпоғистон Републикаси ҳудудидан ташқарига чиқмаслик чекловлари урналиб, озодликни чеклаш жазосини ўташ жойи Беруний тумани, “Дўстлик” МФЙ А-380 гузори 53-уйи қилиб белгиланган.



Жазосини ўташ муддати маҳкум жазоларни ижро этиш инспекцияларида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблани, ҳукмнинг ижросини таъминлаш Беруний туман ИИБ зиммасига юклатилган.

Судланувчи Ххххххххххххдан давлат фойдасига, яъни Беруний тумани электр таъминоти кархонаси фойдасига 80.576.856 сўм ундирилиши белгиланиб, унга қўлланилган “муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси бекор қилинган.

Ашёвий далил 1,5 метр электр кабел тегишли тартибда йўқ қилиниши белгиланган.

Қорақалпоғистон Республикаси суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2027 йил 7 июль кунги ажрими билан суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 510, 521<sup>3</sup>, 521<sup>4</sup>, 521<sup>6</sup>-моддаларига амал қилиб, тафтиш инстанцияси суди

а ж р и м қ и л д и:

Жиноят ишлари бўйича Беруний тумани судининг судланувчи Ххххххххххххга нисбатан чиқарилган 2025 йил 17 февралдаги ҳукми ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2025 йил 7 июлдаги ажрими ўзгаришсиз қолдирилсин.

Шикоят қаноатлантирилмасин.

Тафтиш инстанцияси судининг ажрими устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят ёки протест берилиши мумкин.

Раислик қилувчи

Д.Разов

Ҳайъат судьялари

Х.Бердикличев

А.Сафаров

Ажрим нусхаси аслига тўғри

Д.Разов

